

81751218  
0 12.

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси



ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА ДАБИЁТИ  
—  
О‘ЗБЕК ТИЛИ  
ВА ДАВАҲУТИ

5 / 2021



O'ZBEK TILI, ADABIYOTI  
VA FOLKLORI INSTITUTI  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ  
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

# uzbek tili va adabiyoti

## ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда  
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

*Бош муҳаррир:*

Низомиддин МАҲМУДОВ

*Таҳрир ҳайъати:*

Раҳматулла БАРАКАЕВ

Наим КАРИМОВ

Баходир КАРИМОВ

Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА

Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ

*(бош муҳаррир ўринбосари)*

Бахтиёр НАЗАРОВ

*(бош муҳаррир ўринбосари)*

Ёркинжон ОДИЛОВ

Эргаш ОЧИЛОВ

*(масъул котиб)*

Шомирза ТУРДИМОВ

Боқижон ТҶҲЛИЕВ

Алмаз УЛВИЙ

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

Бердак ЮСУФ

Курдош ҚАҲРАМОНОВ

Улуғбек ҲАМДАМОВ

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

5  
2021

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Ўзбек тили, адабиёти  
ва фольклори институти

Тошкент - 2021

Манзилимиз:  
100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй  
Телефон: (71) 233-71-44  
E-mail: jurnal\_uzlit@mail.ru

Ўзбек тили ва адабиёти  
№ 5, 2021

Мухаррир Э. Очилов  
Компьютерда саҳифаловчи Г. Эшмуродова

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
19.10.2017 йилда рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома №0053

МЧЖ "GLOBAL POLIGRAF DIZAYN"  
Босмахонасида чоп этилди.  
Буюртма № 04  
Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,  
Нурмакон кўчаси, 1-уй.  
Қоғоз бичими 70x108, 1/16  
Офсет босма. "Times New Roman" гарнитураси.  
Шартли-босма табағи 8,5  
Тираж 442 нусха. Келишилган нархда.

Abdulla Qodiriy nomidagi  
viloyat AKM  
INV № 3903-20214

© Ўзбекистон Республикаси ФА, 2021 йил.

## АМИРҚУЛ ПЎЛКАН ШЕЪРЛАРИ ҲАҚИДА

Шеърят даргоҳи кенг. Унда турфа истеъдодлар, бир чакнаб, юлдуздек эрта сўнган тақдирлар, жилд-жилд китоблар яратиб, назм гулшанидан муносиб ўрин ололмай ўтиб кетганлар қанча! Лекин шеърятни тақдир деб билган. иқтидорини шу муътабар гулшаннинг муаттар бўйларига мос бўлишига ҳаракат қилган ва қисқа умрида келгуси авлодлар ёд олишга арзийдиган, сўз сەҳрини чинакамига намоён эта олган назм намуналарини ярата олганлар ҳам кўп. Шулардан бири бахши-шоирлар сулоласидан бўлган Амирқул Пўлкан шеърлари давр синовларидан ўтиб, бугунги кунда ҳам шеърят мухлислари, ихлосмандларининг қалбидан жой олиб келяпти.

А.Пўлкан шеърларини мутолаа қилган киши самимийлик, тиниқлик, содалик, тўпорилик, исёнкорлик каби хислатларни чуқур ҳис этади. Шоирнинг ҳаёт пўртаналари, синовлари, инсон иродасининг букилмаслиги ҳақидаги мушоҳадалари шеърхон қалбига кўчади, уни сирли оламлар, уларнинг тилсимлари сари бошлайди, ўйга чўмдиради, қалбнинг аллақайси пучмоқларидаги хис-туйгуларини жунбишга келтиради. Замину замон, Қуёшу Ер дардлари, ҳаёт гўзалликлари, яшамок масъулияги, гуноҳу савоблар гирдобда тўғри йўлни топмоққа интилиш, яшамок масъулияти олдидаги қарзни ҳис этиш шоир шеърларининг оҳангдорлигини оширади, поэтик манзара поэтик мушоҳада орқали ҳар бир сўзнинг зарбини кучайтиради.

*Мен Қуёш ортидан қуваман,  
Ёритар синиққан тарзимни<sup>1</sup>.*

Қуёшу Замин олдидаги қарз юки жуда залворли. Шунинг учун шеър сўнгида шоир хулосаси унинг руҳий кайфиятини жуда тўғри, жонли, таъсирли ифода этган.

А.Пўлкан шеърларида ҳам шахс ва унинг қирралари турли руҳий кайфият, ҳаёт мураккабликлари ва чигалликларига счим топишга интилиш, бунинг учун қийналиш, изтироб чекиш, гоҳ тушкун, гоҳ маҳзун ҳолатларнинг бадиий ифодаси ҳеч бир шеърхонни бефарқ қолдирмайди. Шоирнинг ўзига хос услуби, ўз овози, тафаккур тарзи уни ўз вақтида салафлари орасида муносиб ўринга эга эканлигини кашф этган.

Шоир шеърларидаги табиат манзаралари, далалар шукуҳи, энг нажиб инсоний туйғулар – дўстлик, меҳр-оқибат, онанинг буюклиги, алланинг сирли оҳанглари киши қалбига дилни аллаловчи мусикадай ўзига хос тарзда кириб боради. "Чироклардан камашар кўзлар, Япроқларда шуълалар қат-қат" ("Оқшом"), "Дарахтлар либосин ечаркан аста, Буй чўзиб қолишар уфққа бокиб" ("Куз"), "Мен сажда қилгайман шу дала учун, Шу дала кийдиран бутун

<sup>1</sup> Пўлкан А. Сайланма – Тошкент: "Niso poligraf", 2020, 8-бет..

дунёни" ("Дехкон далалари")... Бундай дилтортар, ёркин мисралар шоир ижодий маҳорати, истеъдоди имкониятлари катта бўлганлигини кўрсатади. Шунинг учун шоир Икром Отамурод: "У ўзининг киска умрида халқимизнинг катта, бой оғзаки ижоди билан бугунги шеър йўлларини уйғунлаштиришга интилди. Амиркул Пўлкан шеърлари кадрдон кишинг билан мониеъна гаплашув тарзига ўхшайди. Маъноли ва чуқур фикрли. Самимият – одам кўнглининг чироғи. Амиркул Пўлкан айнан, ана шу самимиятни кадрларди"<sup>2</sup>, – деганида ҳақ эди.

Шоир поэтик тимсоллари орасида мажоз алоҳида ўрин тутди. У қалб пўртаналарини, юрак оғриқларини мажозлар орқали ифодалаб, сон-саноксиз жавобсиз саволлардан малҳам қидиради. Буюк салафлари тажриба ва анъаналарини давом эттириб, мажозий тимсоллар орқали ўзининг ҳаёт муаммолари ҳақидаги фалсафий фикрларини ифода этади. Унинг мажозлар орқали билдирган фикрлари, бадий тафаккури ҳосилалари ўзига хос содда, тўпори, туйғулари саркашроқ туюлади. "Қушлар мажлиси" шеърда буни кўриш мумкин. Сюжет, композиция яхлитлигига эга воқеабанд шеър ижод оламидаги ҳақсизлик, адолатсизлик, кингирликлар мавжудлигини фош этади. Баъзи ижодкорларда учрайдиган салбий хусусиятлар – манманлик, хушомадгўйлик, шухратпарастлик, мукофотга ўчлик Оққуш, Тўти, Сассикқопишпак, Майна, Тустовуқ, Саъва мажозлари талқинида мужассамлашади. Энг яхши ижодкор Булбул ҳам бу мажлисда таҳқирланади, мажлисга кайф билан келганлиги таъна қилинади. Мажлисга раислик қилган Бўзтўрғай ҳаммадан бир айб топади. Оққушнинг назмини ғамгин дейди, Лайлак доим қўполлик қилади, Читтак аъзолик бадалини тўламай келади. Ҳамма айбдор, ҳаммада бирор-бир нуқсон учрайди. Хуллас, ишлар яхши эмас ва баъзилари гўнг гитиб юришибди, холос. Буларнинг бари ялтоқи, хушомадгўй, мукофотга ўч Тўти учун қилинади. Охир-оқибат воқеа шундай яқун топадики, мукофот яна Тўтига берилади:

*Талантлар рўйхати ўқилди сўнгра,  
Аламдан Мусича йиғлади хўнграб.  
Бу ғандан қушларнинг боши айланди,  
Ҳайъат ҳам жим қолиб, узоқ ўйланди.  
Охири қилдилар шундай бир қарор:  
Мукофот Тўтига берилди тикрор...<sup>3</sup>*

Шайтон, Игвогар каби рамзий тимсоллар орқали ҳам шоир ўзининг эстетик мақсади – ҳаётсеварлик, адолатсеварлик, ватанпарварлик, гўзал инсоний фазилатларни улғулашга содиқ қолади. Яна бир туркум шеърлари "Ҳазил" ҳаволаси билан берилдики, "ҳазил таги зил" деганларидек, бу

<sup>2</sup> Отамурод И. Қадимий дарахт новдалари (Сўзбоши). – Пўлкан А. Сайланма, 4–5-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 30-бет.

шеърларда ҳам аччиқ ҳаёт ҳақиқати шоирона журъат сабабли намоён бўлади. "Ўз-ўзини танқид" ўткир киноя асосига қурилган, ҳаётий ҳақиқатни ҳазил йўли билан фош этиш мисоли десак бўлади. "Биз ва бошлик", "Шоир бола", "Ижарачи кампир", "Ишқ дарди" ҳазил шеърларида ҳам шу ҳолни кўриш мумкин. Ҳаёт норасоликларидан ўкинч, ижтимоий тузум адолатсизликларидан норозилик, фожеий тақдирларга ачиниб туйғулари қатор шеърларида бош эстетик мақсад қилиб олиниб, шоир юраги ҳамиша безовта тепгани, ҳамиша ҳақиқат, адолат ахтарганини намоён этади. Аммо нисбани туйғуларга йўғрилган, орзу-истакларнинг баланд парвозини ифодалаган шеърлар ҳам талайгина. Айниқса, Ватан мавзuida шоир тўлиб-тошиб ижод қилган, Она-Ватан, она Ер ҳақида фарзандлик меҳри жўшиб куйлайди, ҳис-туйғулари узок-узок сарҳадлар ошади, фарзандлик бурчини оқлаш, қарздорлик масъулиятини эътироф этиш бу шеърларга айрича руҳ, айрича жозоба бағишлайди. Шундай шеърлардан бири "Ўзбекистон" фахриясидир. Ҳар банди ўн мисрадан иборат эллик мисрали шеърда Ўзбекистоннинг поэтик тимсоли ўзига хос тарзда яратилган. Она Ватаннинг ҳар гўшаси, ҳар қарич ери, ҳар сиким тупроғи муқаддас, безавол, тоғлари, боғлари, меҳнатқаш халқи билан ҳар қанча фахрланса арзийдиган юрт бу, дейди шоир.

Ватан шаънига шеър битиш жуда қийин, жуда мураккаб, масъулиятли. Мен сенга қурбон бўламан, деб кўкракка уриш билан ватанпарвар бўлиб қолмайди одам. Шоирлар шунинг учун Ватан шаънидан сўз очилса, хушёр тортиб қолишади, ҳуда-беҳудага "Мен Ватанни севаман" деган чиқириқдан ўзларини сақлашга ҳаракат қилишади. Шунинг учун Ватанни ҳар бир шоир ўзича кашф этади, ўзича шарафлайди. Шунинг учун Э.Воҳидовнинг Ватан ҳақидаги фахрияси А.Ориповнинг дoston-қасидасидан фарқ қилади, иккаласи ҳам бир-биридан гўзал, мафтункор, бетакрор шеърый мисралардан иборат. Шавкат Раҳмон асл Ватанни танимок, севмок, унга муносиб бўлмок учун фақат ҳалол яшаш, фақат яхши бўлишнинг ўзигина кифоя қилмаслигини таъкидлайди. Унда нима мезон бўла олади? Шоир Ватанни жуда барвақт таниш, ҳатто тугилмасидан олдин таниш лозимлигини айтади. Сочи оқарганда Ватанни танишни ушалмайдиған армонга, қиёси йўқ фожиага ўхшатади. А.Пўлкан Ватанга бўлган меҳр-мухаббати ва фахр-ифтихорини баланд ғурур билан куйлайди, уни безавол ўлка, мангу омон турувчи диёр ҳисоблайди. Меҳнатни суйган, офтобда куйиб толе яратган, мангулик қадар нур сочиб турувчи саодат маскани шоир юрагига илҳом бахш этганлигини, юраги доим қўшиққа тўлалигини, у қўшиғи, баётига айланганини ифтихор ҳисси тўлиб-тошиб изҳор этади. "Баҳор ўлкаси" шеъри "Ўзбекистон" фахриясининг мантикий давоми. Унда ҳам она юрт жамолидан ғурурланиш, Ватаннинг бекиёс жамолидан ифтихор ҳисси балқиб туради. Бу ўлкада баҳор ўзгача чирой қасб этади. Бу ўлкага баҳор айрича гўзаллик, айрича латофат билан кириб келади. У келгани ҳамон табиатда ажиб бир уйғониш бошланади. "Дарахтларнинг шохларида битган ҳар тугун" – ҳадемай барг ёзадиган куртак, ҳадемай келгуси тўқин-сочинлик манбаи бўладиган мева

нишонаси; "Бўғотларнинг манглайида чайқалган лола" – янги ҳаёт тантанаси, баҳор ташрифининг рамзи; "Шодлигидан фазо сари отилган каптар" – бу осмоннинг тиниклиги, беғуборлиги, юрт жамолини яна ҳам кўркем қилган баҳорнинг парвози. Ана шундай Ватаннинг, ўлканинг фарзанди бўлиш катта бахт. Бундан ҳар қанча фахрланса арзийди.

"Шайтоннинг ўлими" шеърининг драматизацияси, "Мангуликка суиқасд" достони А.Пўлканнинг эпик асарлар яратилиш маҳорати ҳам ўсиб борганлигини кўрсатади. Шайтон ва Игвогар баҳсу мунозараси орқали инсонлардаги ёмон хулқ-атвор, ҳайвоний нафсга берилишнинг фожий оқибатлари фош қилинади. "Мангуликка суиқасд"да эса инсонпарвар олим Лунс Жеймсининг фожиали қисмати бадий гавдалантирилган. Нейтрон бомбасига қарши уни зарарсизлантирувчи қурилма кашф этиш мақсадида иш олиб бораётган олимга уруш ва вайронгарчиликларни хоҳловчи ёвуз қучлар қаршилик қилинади ва охир-оқибат унинг эзгу ниятлари амалга ошмай қолади, ўзи эса ҳалок қилинади. Воқеа, уруш ва тинчлик мавзуси шоир ижодида алоҳида ўринга эга. Бу мавзуда у ўнлаб бадий бақувват шеърлар яратди.

А.Пўлкан ўз истеъдодини таржимачиликда ҳам синаб кўрди. У рус шоирлари Ярослав Смеляков, Андрей Дементьев, афғон шоири Халилулоҳ Халилийнинг айрим шеърларини ўзбек тилига ўғирди. Таржималарда ҳам шоирнинг ўзига хос услуби, она тилимизнинг жозибадорлигини намоён этувчи сўз маъно товланишларидан унумли фойдаланган. Яна бу таржималар орқали шоирнинг эстетик идеаллари, ижодга масъулияти сезилиб туради. Шеърларда ифодаланган гоялар, бадий-услубий приёмлар унинг ўз ижодига ҳам ҳослигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хуллас, мўъжаз мероси ҳам истеъдодли шоир, аммо эрта ҳаётдан кетган ҳассос қалбли А.Пўлканнинг умри абадийлиги, унинг асарлари шеър муҳлислари томонидан ҳаминча севиб ўқилишидан далолат беради.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада ўзбек шеърининг истеъдодли намоёндаларидан бири бўлган Амиркул Пўлкан ижодига хос энг муҳим хусусиятлар таҳлил қилинган. Шоир лирикасидаги поэтик усуллар, мавзулар кўлами, ижодий маҳорат масалаларига тўхталиб ўтилган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье проанализированы характерные черты творчества Амиркула Полкана, одного из талантливого представителя узбекской поэзии. В ней освещены вопросы поэтических приемов, масштабов тематики и творческого мастерства в лирике поэта.

**RESUME.** The article analyzes the most important features of the work of Amirkul Polkan, one of the most talented representatives of Uzbek poetry. The poet's lyrics focus on poetic methods, range of themes, and creative skills.

**Таянч сўз ва иборалар:** истеъдод, иқтидор, шоир, шахс, мунаққид, мушоҳада, бадий тафаккур.

**Ключевые слова и выражения:** одаренность, талант, поэт, лицо, критик, осмысление, художественное мышление.

**Key words and word expressions:** talent, talent, poet, person, critic, observer, artist, thinker.

## МУНДАРИЖА

### Тилшунослик

Д.Лутфуллаева. Ўзбек тилшунослигининг янги тараққиёт босқичи.....	3
Ё.Одилов. Мустақиллик даври ўзбек лексикографияси тараққиёти.....	12
М.Юлдашев. Ўзбек тилида ретронимлар.....	19
А.Бегматов. Ўзбек тили ва Олтин Ўрда.....	23

### Адабиётшунослик

З.Қобилова. Амирий ижодида фольклор мотивлари.....	31
Х.Ҳамроқулова. Абдулла Қаҳҳорнинг адабий-эстетик қарашлари.....	35
О.Олтинбек. Рауф Парфи сонетларининг каноник табиати.....	40
Ш.Назарова. Янги ўзбек шеърятининг шаклланишида баёз ва мажмуаларнинг ўрни.....	45
Х.Ҳамидов. Яқин тиллардан таржиманинг ўзига хосликлари.....	51

### Илмий ахборот

Б.Ражабова. Алишер Навоий ва Давлатшоҳ Самарқандий.....	56
А.Холмуродов. Амиркул Пўлкан шеърлари ҳақида.....	61
Г.Худоёрова. Абдулла Орипов шеърларида лирик кечинма .....	65
Ҳ.Юлдашева. Миллий руҳ талқинида поэтик мазмун ва шаклнинг ўрни.....	69
Л.Шарипова. Замонавий шеърятда ёмғир образи.....	73
Н.Мўминова. Халқ инонч айтимларининг ўрганилишига доир.....	76
О.Кучкаров. Поэтик мотивларнинг прагматик хусусиятлари.....	80
Д.Қаламдарова. Карл Райхл тадқиқотлари таснифи.....	86
Н.Турсунова. Муқимий маҳоратининг баъзи қирраларига доир.....	91
И.Саймуратова. Исажон Султоннинг "Озод" романида рамзийлик.....	95
Х.Тўрабоева. Фирдавсий ижодининг Англияда ўрганилиши.....	98
Ш.Искандарова, Р.Жўраева. Муқимий шеърларида ўхшатишлар.....	101
М.Раҳматов. Алишер Навоий газалларида нутқий субъект.....	105
Э.Жабборов. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг лингвистик қарашлари.....	112
А.Ҳасанов. Лексик синонимиянинг замонавий талқини.....	116
М.Набиева. Терминларнинг формал-грамматик хусусиятлари ҳақида.....	120
Ҳ.Раҳмонов. О.Матжон шеърларида "қора" ранг билдирувчи лексема ассоциацияси.....	123
Д.Файзуллаева. Халқ дostonлари тилида йилқичилик атамалари.....	126

### Фанимиз заҳматқашлари

Ҳ.Ҳомидий. Тадрижийлик.....	130
-----------------------------	-----

### Илмий ҳаёт

У.Ҳамдамов. Асрни буйлаган адиб.....	133
--------------------------------------	-----



## СОДЕРЖАНИЕ

### Языкознание

Д.Лутфуллаева. Новый этап развития узбекского языкознания.....	3
Я.Адылов. Развитие узбекской лексикографии периода независимости.....	12
М.Юлдашев. Ретронимы в узбекском языке.....	19
А.Бегматов. Узбекский язык и Золотая Орда.....	23

### Литературоведение

З.Кабиллова. Фольклорные мотивы в творчестве Амири.....	31
Х.Хамракулова. Литературно-эстетические взгляды Абдуллы Каххара.....	35
А.Алтынбек. Каноническая природа сонетов Рауфа Парфи.....	40
Ш.Назарова. Роль <i>баязов</i> и <i>маджмуа</i> в формировании новой узбекской поэзии.....	45
Х.Хамидов. Особенности перевода с близкородственных языков.....	51

### — Научные сообщения —

Б.Раджабова. Алишер Навои и Давлатшах Самарканди.....	56
А.Халмуратов. О стихах Амиркула Пулкана.....	61
Г.Худаярова. Лирического переживания в стихах Абдуллы Арипова.....	65
Х.Юлдашева. Место поэтического содержания и формы в интерпретации национального духа.....	69
Л.Шарипова. Образ дождя в современной поэзии.....	73
Н.Муминова. К изучению народных причитаний.....	76
А.Кучкаров. Прагматические особенности поэтических мотивов.....	80
Д.Каландарова. Классификация исследований Карла Райхла.....	86
Н.Турсунова. О некоторых аспектах мастерства Мукими.....	91
И.Саймуратова. Символы в романе "Озод" Исаджана Султона.....	95
Х.Турабаева. Изучение творчества Фирдоуси в Англии.....	98
Ш.Искандарова, Р.Джурасва. Сравнений в стихах Мукими.....	101
М.Рахматов. Речевой субъект в газелях Алишера Навои.....	105
И.Джаббаров. Лингвистические взгляды Махмудходжи Бехбуди.....	112
А.Хасанов. Современная интерпретация лексической синонимии.....	116
М.Набиева. О формально-грамматических особенностях терминов.....	120
Х.Рахманов. Ассоциация лексем, обозначающих "черный" цвет в стихах А.Матчана.....	123
Д.Файзуллаева. Коневодческая терминология в языке народных эпосов.....	126

### Деятели науки

Х.Хамиди. Эволюционность.....	130
-------------------------------	-----

### Научная жизнь

У.Хамдамов. Писатель, проживший век.....	133
--	-----